Абдуллахон I ибн Кўчкунчихон
(XV аср охири - 1540-йил 14-сентабр, Самарканд)
(1540-йил март-сентабр)

Шайбонийлардан бўлган Мовароуннахр хони. Абулхайрхоннинг невараси, Кўчкунчихоннинг ўгли.
1514-1540-йилларда Абдуллахон I Ясси (Туркистон)да хокимлик килган. 1540-йил мартда шайбоний Убайдуллахон вафот этгач, Бухоро хонлиги 3 кисмга бўлинган даврда Самаркандда хукмронлик килган. Унинг киска хукмдорлигидан сўнг мамлакатда кўш хокимиятчилик вужудга келган, яъни бир давлатда икки хукмдор пайдо бўлди. Абдуллахон I Самаркандда Регистон якинидаги Чихил (Чил) Духтарон кабристонида дафн этилган. Унинг вафотидан сўнг Самарканддаги шайбонийлар тахтига укаси Абдулатифхон ўтирган.